

**КАРАМНИ ЗАРАРЛОВЧИ LEPIDOPTERA ТУРКУМИ ВАКИЛЛАРИ
КАРАМ КУЯСИ (PLUTELLA MACULIPENNIS CURT.)
БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАСИ**

Представители семейства чешуекрылых, поражающие капусту
Биоэкология и меры борьбы с капустной молью (*Plutella maculipennis* Curt.)

Representatives of the family Lepidoptera, which infects cabbage
Bioecology and control measures of cabbage moth (*Plutella maculipennis* Curt.)

Эргашова Хуснида Иброхимовна

Ассистент, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Аннотация: Карам куяси тарқалиши, биоэкологияси, зарари ва авлод бериши, қарши кураш чораси ҳақида келтирилган.

Аннотация: Распространение капустной плодовой моли, биоэкология, вредоносность и размножение, меры борьбы.

Abstract: The distribution, bioecology, damage and reproduction of cabbage moth are described.

Калит сўзлар: курам, мини, барг, куя капалаги, тухум, личинка, ғумбак, пилли, етук зот.

Ключевые слова: курам, мини, лист, бабочка мотылька, яйцо, личинка, гриб, слон, половозрелая порода.

Keywords: kuram, mini, leaf, moth butterfly, egg, larva, mushroom, elephant, mature breed.

Ҳалқ хўжалигида сабзавот маҳсулотларини ўрни беқиёсдир. Ҳозирги кунда республикада буткулдош сабзавотлардан карам, турп, шолғом, редиска, салатлар етиштирилмоқда. Ўз ўрнида бу ўсимликларга ҳам бир қатор зараркунанда ва касалликлар зарар етказиб, ҳосилдорлиги, товарлик сифатини пасайтиради.

Карам куяси капалаклар– Lepidoptera туркумининг, ўроқсимон қанотли куялар – Plutellidae оиласига мансуб.

Ўзбекистоннинг бутгулли ўсимликлар ўсадиган барча туманларида тенг равишда учрайди.

Карам куяси унча йирик бўлмаган ҳашарот: капалаги қанот ёзганида 14-17 мм келади. Қанотлари тор: олдқанотининг орқа четида тўлқинсимон оқ чизиғи мавжуд у капалак қанот йиғиб ўтирганида тўлқинсимон расмни вужудга келтиради (3.2.1-расм). Ранги кул рангқунғир. Орқа жуфт қанотлари эса тўқ кул ранг бўлиб узун хошиялидир. Қурти-нинг ўрта қисми йўғонлашган; бўйи 10-11 мм га етади, ранги оч-яшилдан, қўнғир-яшилгача. Ғумбаги оч-яшил тусда бўлиб, у юқа тиниқ оқ пилла ичида жойлашади.



1- расм. Карам куяси (*Plutella maculipennis* Curt)

Ғумбаги пилла ичида турли ўсимликлар қолдиғида қишлаб чиқади. Капалаклар Ўзбекистон шароити-да март-апрел ойларида учиб чиқади; улар кундузи беркиниб номозшомда ҳаракат қилади, озиқланиб, урчиб тухум кўйиш-га киришади. Тухумини бутгулли ўсимликлар баргини ост томонига 1-3 тадан қилиб қўяди. 3-4 кунлардан кейин очиб чиққан қуртлар ўсимлик баргида «мина» лар ҳосил қилиб барг ўрталаридаги паренхима тўқималари билан озиқланади.

Кейинги ёш қуртлар эса баргининг ост томонида очик яшаб, уни уст кабатигача кемиради. Кейинчалик бу шикастланган қисмининг уст кабати хам қуриб баргларда тешиқлар ҳосил бўлади. Қуртлар жуда ҳаракатчанг

бўлади. У безовдаланса дархол букилиб ипакча ёрдамида баргдан қочишга ҳаракат қилади. Қуртлар 6-12 кун яшаб барглarda ғумбакка айланади, яна 4-10 кундан кейин эса янги авлод капалаги пайдо бўлади. Ўрта Осиё иқлим шароитида карам қуяси бир йилда 10 га яқин авлод бериб ривожланади, шунинг учун авлодлар бир бири билан аралашиб кетиб бир вақтнинг ўзида зараркунанданинг турли шакллари учратиш мумкин. Шимолга қараб борган сари карам қуясининг йилги авлод сони камайиб боради ва у бир мартагача қисқаради.

Карам қуяси бутгулли ўсимликларни зарар-лайди. Карамда уни зарари айниқса ўсимлик ёш даврида ўсиш нуқтасини шикастлашида аҳамиятлидир, кейинчалик карам ўралганидан кейин унинг аҳамияти унча қолмайди, лекин маҳсулот кўркини бузади. Ўзбекистонда карам қуяси асосан ўртаки ва кечки карамга зарар етказади.

Карам оқ капалагига ўхшаш. Кимёвий кураш тадбирларини ўтказиш учун миқдор мезони бўлиб қуйидаги кўрсаткичлар хизмат қилади: карам ўрашга қадар-агарда 10% дан ошиқ ўсимлик зарарланиб, ҳар бирида 2-5 тадан ошиқ қурт аниқланса; карам ўраганидан кейин агарда 20% ўсимлик зарарланиб, уларда 2-5 дона қурт мавжуд бўлса.

Капалаклар сезиларли зарар етказганлиги туфайли уларга қарши курашишга тўғри келмоқда.

Зараркунандаларига қарши кураш усулларини ўрганиш бундан 100 йил муқаддам бошланган. Карам уруғлари кўчатларини вегетация даври тугаётганда, уларни йиғиб ёқишни тавсия этади.

Бир неча муаллифлар йиғимдан сўнг қолган ўсимлик қолдиқларини ва даладаги бегона ўтларни йўқ қилишни, кузги шудгорлашни, булардан ташқари, парникларда соғлом кўчат етиштиришни зарарланмаган, бақувват кўчатларни танлашни ҳам тавсия этадилар. Ҳозирги вақтда карам зараркунандаларига қарши кимёвий кураш “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати” (2013) да рухсат этилган препаратлар асосида олиб

борилади. Фуфанон 57% эм.к.(Б) 0.6-1.2 л/га, Фенкилл 20% эм.к. 0.3 л/га., Циракс 25% эм.к 0.16 л/га.Эсфен-Альфа 5% эм.к. 0.2 л/га.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Турдиева, Г. А., Камбарова, М. А., & Эргашева, Х. И. (2019). Применение гербицида Зета в выращивании озимого нута. *Инновационная наука*, (5).
2. Хайдаров, Ж., Мамадалиев, М., Эргашова, Х., & Орифжонова, У. (2021, August). USE OF BIOLOGICALLY ACTIVE SUBSTANCES IN PEST CONTROL: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1353>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.06).
3. Эргашова, Х. И., & кизи Абдулазизова, О. И. (2022). Тамаки трипси (thrips tabaci lind) нинг ривожланиши ва унга қарши кураш чораси. *science and education*, 3(3), 123-127.
4. Эргашова, Х. Помидор экинидаги помидор занг канаси (aculops lycopersici) нинг зарари ва унга қарши кураш чоралари. *экономика*, 738-740.